

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФИЗИКА-
МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.ФМ.106.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

МАМАТОВ ОЛМОСБЕК МАҲАММАТДОВИДОВИЧ

**n-CdS/p-CdTe АСОСИДА ФОТОВОЛЬТАИК ЮПҚА ПАРДАЛИ
СТРУКТУРАЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА
ФИЗИК ХОССАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона-2021

УДК: 538.911, 935, 958, 975

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Маматов Олмосбек Махамматдовидович

n-CdS/p-CdTe асосида фотовольтаик юпқа пардали структуралар олиш
технологиясини ишлаб чиқиш ва физик хоссаларини тадқиқ этиш 3

Маматов Олмосбек Махамматдовидович

Разработка технологии и исследование физических свойств
фотовольтаических пленочных структур на основе *n-CdS/p-CdTe* 27

Mamatov Olmosbek Mahammadovich

Development of technology and research of physical properties of photovoltaic
film structures on a basis *n-CdS/p-CdTe*51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 55

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФИЗИКА-
МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.ФМ.106.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

МАМАТОВ ОЛМОСБЕК МАҲАММАТДОВИДОВИЧ

**n-CdS/p-CdTe АСОСИДА ФОТОВОЛЬТАИК ЮПҚА ПАРДАЛИ
СТРУКТУРАЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА
ФИЗИК ХОССАЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона-2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/FM523 рақам билан қайд этилган.**

Диссертация Фарғона политехника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ferpi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Юлдашев Носиржон Хайдарович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Отажонов Салим Мадрахимович**
физика-математика фанлари доктори

Кўчқаров Қудратулла Мамарасулович
физика-математика фанлари доктори (DSc)

Етакчи ташкилот: **Андижон давлат университети**

Диссертациянинг ҳимояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2020.ФМ.106.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил "___" _____ соат "___" _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 150107, Фарғона ш. Фарғона к. 86 уй. Тел: (+99873) 241-12-06, факс (+99873) 241-12-06, e-mail: uzferfizika@mail.ru, ZOOM тизими орқали online.

Диссертация билан институтнинг ахборот-ресурс маркази илмий-услубий бўлимида танишиш мумкин. (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 150107, Фарғона ш. Фарғона к. 86 уй. Тел: (+99891) 328-32-69.

Диссертация автореферати 2021 йил "___" _____ куни тарқатилди.

(2021 йил "___" _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.А. Султанов
Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий Кенгаш раиси ўринбосари,
ф-м.ф.д., профессор.

Б.З. Полвонов
Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий Кенгаш илмий котиби, ф-м.ф PhD, доцент

Р.Я. Расулов
Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф-м.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон энергетикасида кремний пластинкали модулларга альтернатива тариқасида юпқа пленкали Қуёш элементларини тайёрлаш технологияси тез ривожланиб бормоқда. Ҳозирги кунда юпқа пленкали Қуёш модулларини ишлаб чиқаришда ишлатилаётган поликристалл CdTe материали келажаги энг порлоқ фотоэлектрик материал ҳисобланади. Пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктура асосидаги Қуёш элементларининг лаборатория намуналарида фойдали иш коэффициентининг максимал қиймати AM1.5 Қуёш нурланиши шароитида 22,1% ни ташкил этмоқда¹. Бу эса ушбу структуралардаги назарий фойдали иш коэффициентининг деярли 2/3 қисмини ташкил этади холос. Шу сабабдан CdTe модулларнинг самарадорлигини ошириш ўта долзарб илмий-техникавий масала ҳисобланади. Фотоўзгартириш самарадорлигини орттириш мақсадида Қуёш нурланишининг қайтиши, ютилиши ва технологиянинг такомиллашмаганлиги билан боғлиқ йўқотишларни камайтириш, шунингдек, Қуёш элементларининг энг муҳим характеристикалари бўйича чуқурроқ тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёдаги етакчи илмий марказларда асосий эътибор поликристалл CdTe пленкалар асосида Қуёш элементлари олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларда ток ўтиш механизмларини ўрганишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларига қаратилган юпқа пленкали CdTe-Қуёш элементларини олиш технологиясини такомиллаштириш ва физик характеристикаларини янада чуқурроқ ўрганиш Қуёш энергетикасининг долзарб ва ечими кутилаётган вазифаси бўлиб қолмоқда. Бунда майда донли CdTe поликристалл пленканинг электрик, фотоэлектрик ва оптик хусусиятларининг шаклланишида кристалл донлар оралиқ чегаралари, сирт олди ва ички соҳалари аралашма-нуқсонли таркибларининг ролини тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг долзарб устувор илмий йўналишларига, чунончи қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги инновацион технологиялар ва ишланмаларга муҳим эътибор қаратилмоқда. Бу борада поликристалл CdTe пленкалар олиш технологиясини такомиллаштириш ва уларнинг физик хоссаларини тадқиқ этиш бўйича маълум натижаларга эришилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегиясига² мувофиқ илмий-инновацион ишланмаларни амалда қўллашнинг самарали механизмларини яратиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, Қуёш энергетикаси, фотоника, оптоэлектроника соҳаларида яримўтказгичлар ва юпқа пленкали

¹ <https://www.researchgate.net/publication/302502393>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

яримўтказгичли структуралар технологиясини ривожлантириш ҳамда оптик параметрларини чуқур ўрганиш методларини яратиш жуда муҳимдир. Ушбу диссертация пленкали $n\text{-CdS}/p\text{-CdTe}$ гетероструктура олишнинг янги технологиясини яратиш ва фотоэлектрик, оптик хоссаларини, шунингдек $p\text{-CdTe}$ қатлам фотолюминесценция спектрини шаклланишининг янги механизмларини тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, унинг натижалари Қуёш элементлари, ионлаштирувчи нурланиш детекторлари, юқори кучланишли фотогенераторлар ва бошқа шу каби оптоэлектрон асбоблар технологияларини оптималлаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 майдаги ПФ-4348 сонли "Электротехника саноатини янада ривожлантириш ва тармоқнинг инвестиция ва экспорт салоҳиятини орттириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012 сонли "2017-2021 йилларга мўлжалланган қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларида энерго-самарадорликни ошириш бўйича дастур тўғрисида"ги, 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032 "Физика соҳасида илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва таълим сифатини ошириш тўғрисида"ги қарорларида ва бошқа шунга ўхшаш меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг III: "Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш, транспорт, машинасозлик ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозликни ривожлантириш" устувор йўналишларига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юпқа пленкали CdTe ва CdS/CdTe гетероструктуралардан фотовольтаиканинг фотоўзгартиргич материали сифатида фойдаланиш Э.А Адирович ва унинг шогирдларининг 1960 йиллардаги дастлабки ишларидан бошланган. Хорижий олимлар R.H. Bube, A. Fahrenbruch, T. Okamoto, K. Durose, M.D. Potter, M. Tuteja, Л.А. Косяченко, Г.С.Хрипунов, Ю.В.Рудь ва бошқаларнинг оригинал ишлари туфайли тез орада $n\text{-CdS}/p\text{-CdTe}$ асосидаги юпқа пленкали Қуёш элементлари ишлаб чиқариш технологиясини оптималлаштириш ва таннархини пасайтириш учун етарлича истиқболга эгаллиги маълум бўлиб қолди. Ҳозирги кунда CdTe -Қуёш элементлари ишлаб чиқиш ва тақсимлаш тармоқларини яратиш босқичида бўлиб, «Matsushita», «First Solar», «BP Solarex» ва бошқа фирмалар иштирокида эришилган саноат ишлаб чиқариш қуввати 1,2 МВт ни ташкил этади. Бу ҳолда CdTe -Қуёш элементларининг фойдали иш коэффициенти 16% , модулда эса 9% гача етиб борган.

Пленкали CdTe ва CdS/CdTe гетероструктура асосидаги юпқа пленкали структуралар фотовольтаикасининг ривожланишига ўзбек олимларидан

Ш.М. Мирсагатов, Т.М. Разиков, Н.Х. Юлдашев ва уларнинг шогирдлари маълум даражада ҳисса қўшдилар. Чунончи, Ш.А. Мирсагатов ва бошқалар томонидан кимёвий ўтқазиш методи билан CdTe поликристалл структуралар олинган ва n-CdS/n-CdS_xTe_{1-x}/p-CdTe-гетероструктураларнинг физик хоссалари комплекс тадқиқ этилган. Т.М. Разиков ва шогирдлари кимёвий молекуляр-дастали ўтқазиш методи билан халькогенид яримўтказгичлар асосида поликристалл пленкалар олишнинг янги технологиясини яратдилар ва юпқа пленкали n-CdS/p-CdTe-Қуёш элементларининг асосий ишчи параметрларини ўргандилар. Н.Х. Юлдашев ва шогирдлари томонидан аномал фотовольтаик, фотоэлектрет хоссаларга эга бўлган майда донли CdTe:Ag, CdTe:In юпқа пленкаларни термовакуумли буғлатиш методи билан олишнинг оригинал усуллари яратилди ҳамда уларнинг паст температурали фотоўтказувчанлик ва фотолюминесценция спектрлари тадқиқ қилинди.

Кейинги пайтларда поликристалл ультра юпқа пленкали CdTe-Қуёш элементларига қизиқиш ортиб бормокда, уларнинг турғунлигини ошириш муаммоси эса материал хоссалари ва қурилма физикасини чуқур билишни талаб қилмокда. Юпқа майда донли пленкаларда кристалл донлараро чегаралар, сирт олди соҳалар, нуқтавий ва бошқа нуқсонлар электрофизик, фотоэлектрик ва оптик хусусиятларнинг шаклланишида ўта муҳим рол ўйнайди. Бироқ бу масалалар мавжуд илмий адабиётларда жуда кам ўрганилган. Ультра юпқа пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктура олишнинг термовакуум технологиясини оптималлаштириш ва физик хоссаларини, хусусан, уларни олиш технологиясини мақсадли такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган люминесценция спектрларини ўрганиш бўйича ишлар деярли учрамайди,

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Фарғона политехника институтида фундаментал илмий лойиҳалар, хусусан, 2000-2004 йиллар учун ЎзР ФТДҚ Фундаментал тадқиқотлар фондининг «Ярим ўтказгич кристаллар ва квант-ўлчамли структураларнинг фотоқўзғатиш ва ионлар каналланишидаги экситон-поляритон люминесценцияси» № 10/2000 Гранти, 2007-2008 йиллар учун Ўзбекистон Фанлар Академияси тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 80-06 сонли Гранти, 2012-2013 йиллар учун "Квант алоқа каналларини ташкил этишнинг поляритон тамойили" ККРНТ 28-сонли шартномаси бўйича грантлар доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади фоторезистив ва фотовольтаик хусусиятларга эга бўлган пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктура олишнинг термовакуумли технологиясини ишлаб чиқиш ва фаол p-CdTe қатламнинг фотоэлектрик, оптик хусусиятларини тадқиқ этишдан иборат.

Қўйилган мақсадга мувофиқ қуйидаги асосий **вазифалар** ҳал қилинди: аномал фотовольтаик хоссага эга бўлган майда донли CdTe:In пленка ва n-CdS/p-CdTe пленкали гетероструктура олишнинг термовакуум технологиясини ишлаб чиқиш;

n-CdS/p-CdTe гетероструктура кристалл донларини субструктуравий параметрларининг рентгеноструктуравий ва электрон-микроскопик тадқиқот-ларини ўтказиш;

n-CdS/p-CdTe гетероструктурадаги фотовольтаик p-CdTe пленканинг электрофизик ва фотоэлектрик хоссаларини таҳлил қилиш;

n-CdS/p-CdTe гетероструктурадаги фотовольтаик p-CdTe қатламнинг паст температурали фотолюминесценция спектрини фоторезистив n-CdS қатламини қўшимча ёритиш билан ва унингсиз тадқиқ этиш.

Тадқиқот объекти вакуумда термик буғлатиш методи билан олинган майда донли CdTe:In поликристалл пленкалар ва юпка пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктуралардан иборат.

Тадқиқот предмети бўлиб юпка пленкали CdTe:In, n-CdS/p-CdTe структуралар олишнинг термовакуум технологик жараёнлари ва уларда кечадиган электрофизик, фотоэлектрик, оптик ҳодисалар хизмат қилади.

Тадқиқот усули. Қўйилган масалаларни ечиш учун юпка яримўтказгич пленкалар олиш технологиясининг замонавий термовакуум методикаси, рентгеноструктуравий ва электрон-микроскопик тадқиқот усуллари, вольт-ампер, люкс-ампер, люкс-вольт характеристикалар олиш бўйича маълум ўлчаш методикалари, шунингдек, яримўтказгич материалларни тадқиқ қилишнинг фотоэлектрик, оптик-спекроскопик усуллари жалб қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагича:

вакуумда термик буғлатиш методи билан легирланмаган намуналарга нисбатан қисқа туташув токини икки тартибда, аномал фотокучланиш қийматини бир тартибда орттириш имконини берадиган майда донли фотовольтаик CdTe:In пленкани олиш технологияси ишлаб чиқилган;

пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктура олишнинг p-CdTe қатламнинг аномал фотокучланиш қийматини таглик томондан n-CdS қатламини хусусий ютилиш спектрал соҳасида қўшимча ёритиш билан танлаб бошқариш имконини берадиган термовакуум технологияси ишлаб чиқилган;

пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктурадаги p-CdTe қатламнинг вольт-ампер ва люкс-ампер характеристикаларида p-CdTe қатламини n-CdS фотоўтказувчанлиги туфайли шунтланиши орқали изоҳланадиган манфий дифференциал қаршилиқ билан боғлиқ ночизиқли соҳалар юзага келиши аниқланган;

биринчи марта n-CdS/p-CdTe гетероструктурадаги p-CdTe қатламнинг чегаравий люминесценция спектри қизил чегараси E_g га нисбатан қисқа тўлқинлар соҳасига силжиган, интенсивлиги энг катта хусусий нурланиш полосаси, унинг $LO+nLA$ -фонон қайтарилиши ва кенг сирт-интерфейс полосасидан ташкил топиши аниқланган;

илк маротаба n-CdS/p-CdTe гетероструктурада n-CdS қўшимча ёритилганда p-CdTe қатламнинг дублет структурали экситонлар ва симметрик контурли донор-акцептор жуфтлар нурланиш чизиқлари топилган ва бу p-CdTe қатламнинг майда донлилиги ҳамда аномал фотовольтаик қаршилигини n-CdS фотоўтказувчанлиги туфайли шунтланиши билан

боғлиқлиги кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

вакуумда термик буғлатиш методи билан майда донли фотовольтаик CdTe:In пленка, фоторезистив ва аномал фотовольтаик хусусиятларга эга бўлган пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктура олиш технологиялари ишлаб чиқилди. CdTe:In пленка ва n-CdS/p-CdTe гетероструктура ўстиришнинг оптимал технологик параметрлари, дастлабки материал-компонентларнинг нисбий массаларини ва махсус технологик усулларни танлаш бўйича тавсиялар берилди. CdTe:In асосида фотовольтаик пленка олиш усулини ишлаб чиқишга Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг ихтиро учун Патенти олинди (№ IAP 05384, 28.04.2017).

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги яримўтказгичлар физикасининг замонавий ўлчаш усулларида фойдаланилганлик ва олинган илмий натижаларни нуфузли нашрларда чоп этилган ишларнинг маълум натижаларига мослиги билан таъминланади. Юпқа поликристалл CdTe, CdTe:In пленкаларнинг ва пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктурадаги p-CdTe қатламнинг паст температурали фотолюминесценция спектрлари академик А.Ф. Иоффе номидаги Санкт-Петербург Физика-техника институтида ДФС-24 спектрометрида, пленкаларнинг рентгенограммалари ва сирт, кўндаланг қирқим электрон-микроскопик тасвирлари Новосибирск давлат университетида олинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти термовакуум буғлатиш методи билан фотовольтаик ва фоторезистив хусусиятларга эга бўлган пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктурани олишнинг оригинал технологик режимлари ишлаб чиқилганлиги, унинг фотолюминесценциясидаги янги спектрал чизиқлар топилганлиги ва шаклланиш механизмларини, шунингдек, фотоэлектрик характеристикаларининг ўзига хос томонларини тўғри талқин этилганлиги ва бунинг оқибатида яримўтказгичли структуралар материалшунослиги ҳамда оптик спектроскопиясининг янги имкониятлари очилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация ишининг натижалари юпқа пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктура асосида пленкали Қуёш элементлари, ионлаштирувчи нурланиш детекторлари, юқори кучланишли фотогенераторлар ва бошқа оптоэлектрон қурилмалар яратиш технологиясини такомиллаштиришга, хусусан яримўтказгич пленкали структураларни бузмасдан назорат ва диагностика қилишга хизмат қилади,

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Майда донли CdTe:In пленка ва n-CdS/p-CdTe пленкали гетероструктура олишнинг термовакуум технологиясини ишлаб чиқиш ва уларнинг физик хоссаларини тадқиқ этиш натижалари асосида:

CdTe:In асосида фотовольтаик пленка олиш усули ишлаб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк Агентлигининг ихтиро Патенти олинди (№ IAP 05384, 28.04.2017). Бу кадмий халькогенидларидан

оптоэлектроника ва гелиотехниканинг материалларини олиш технологияси соҳасида фойдаланилади. Ишлаб чиқилган технология кучланиш фотогенератори сифатида қўлланиладиган фотовольтаик пленка қувватининг уч тартибда оширилишини таъминлади;

термовакуум буглатиш методи билан фотовольтаик ва фоторезистив хусусиятларга эга бўлган пленкали $n\text{-CdS/p-CdTe}$ гетероструктурани олишнинг оригинал технологик режимлари ишлаб чиқилганлиги, унинг фотолюминесценциясида янги спектрал чизиқлар ва уларнинг шаклланиш механизмлари аниқланганлиги "Ўзэлтехсаноат" уюшмасининг "ФОТОН" АЖ да апробациядан ўтказилди (14.06.2021 даги №241-сонли маълумотнома). Олинган илмий натижалар Ўзэлтехсаноат муассасаларида қўлланилиши мумкин. Бу илмий янгиликни қўлланилиши материалшунослик фани ва яримўтказгичли структуралар оптик спектроскопияси учун янги имкониятлар очиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 8 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан 7 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан диссертацион ишларнинг илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 2 та жадвал ва 42 та расмни ўз ичига олган 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги қисқача асослаб берилган, унинг Республикамиз фан ва технологиялар тараққиётининг асосий устувор йўналишлари билан боғланиши аниқланган, мавзу бўйича адабиётларда мавжуд илмий ишлар таҳлил қилинган ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объектлари, предметлари ва усуллари ойдинлаштирилган ҳамда илмий янгилиги ёритилган, олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, амалда қўлланилиши ва эълон қилиниши ҳақида маълумотлар келтирилган.

"Пленкали CdS/CdTe гетероструктуралар олиш технологияси ва фотовольтаик хоссаларини тадқиқот қилишнинг ҳозирги ҳолати" номли биринчи бобда Қуёш элементлари учун пленкали CdS/CdTe гетероструктуралар олиш технологияси масалалари бўйича мавжуд адабиётлар натижалари таҳлил қилинган, CdS, CdTe кристалларнинг зонавий структуралари ва улар асосидаги поликристалл пленкалар электр ўтказувчанлик механизмлари ҳақидаги қисқача маълумотлар келтирилган. CdS/CdTe гетероструктурадаги ток ўтишнинг маълум механизмлари, фототок ва чегаравий фотолюминесценция спектраларининг ўзига хос томонлари қараб чиқилган. Бу материалларни танқидий таҳлил этиш натижасида диссертация мақсади ва вазифалари қўйилган.

"Термовакuumли буғлатиш методи билан CdTe:In ва n-CdS/p-CdTe асосидаги фотовольтаик пленкали структуралар олиш технологиясини ишлаб чиқиш" номли иккинчи боб физик хусусиятларини тадқиқ этиш учун бурчак остида ўстирилган АФВ хусусиятли соф ва *In* билан легирланган юпқа поликристалл пленкалар ҳамда пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктура олишнинг термовакuum технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган. Пленкаларда термик ишлов беришнинг фотокучланишни ошириш вақтли кинетикасига, табиати ва шаклланиш механизмига таъсири таҳлил қилинган. Бунда қўшимча ёритиш таъсирида CdS қатламнинг фотоўтказувчанлигини қўзғатиш натижасида CdTe қатламнинг АФВ хоссалари жуда сезиларли модуляцияланиши аниқланди. Шунингдек, пленкали n-CdS/p-CdTe гетеро-структурадаги CdTe қатламнинг кристалл структурасини рентгено-структуравий таҳлил ва электрон микрофотография усуллари билан тадқиқ этиш натижалари ҳам келтирилган.

Фотовольтаик CdTe:In пленка ва юпқа пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктура Фарғона политехника институти илмий лабораториясида ВУП-4 ва ВУП-5М вакуум қурилмалари ёрдамида вакуумда буғлатиш методи билан шиша тагликларда тайёрланган. Бучак остида ўтказилган CdTe қатламларни *In* билан легирлаш жараёни уларни 10^{-4} - 10^{-5} Torr вакуум остида кукунсимон ўта тоза CdTe ва қуйма шаклидаги In материалларини алоҳида махсус тайёрланган тигеллардан мос ҳолда 923-973 ва 573-593 K температураларда қайта-қайта буғлатиш йўли билан бевосита ўстириш


пайтида амалга оширилди.

Буғлатилаётган аралашма *In* металлининг дастлабки массаси CdTe ярим ўтказгич бирикманинг 3-7 масс. % ини ташкил этади. Асосий материалнинг буғлатилишига нисбатан *In* буғлатилиши дастлабки босқичда 2-3 минутга кечиктирилади ва охирида 3-5 минут олдин тугатилади. Шиша таглик температураси 473-523 K чегарада танлаб ўзгартирилади. Конденсация тезлиги $v_k \approx 1.0-1.5$ нм/с, чанглатиш бурчаги $\theta \approx 30-60^\circ$ қийматлар оралиғида бўлади. Янги тайёрланган CdTe:In намунанинг қалинлиги $d \approx 0.8-1.5$ мкм ва юзаси 5×20 мм² геометрик ўлчамда электр қаршилиги оз бўлиб, ўзининг АФВ хусусиятларини кучсиз намоён этди, хусусан максимал фотокучланиш $V_{АФК} = 50-100$ В ни ташкил этди холос. Бироқ вакуумда ёки тоза ҳаво атмосферасидаги берк ҳажмда 523-623 K да термик ишловдан сўнг намунанинг қаршилиги 2-3 марта ортган ҳолда, хона температурасида $(2-4) \cdot 10^3$ В гача максимал фотокучланиш генерациялади. Бу махсус легирланмаган CdTe намуналар берадиган фотокучланиш ($V_{АФК} = 200-400$ В) дан деярли бир тартибда катта эди. CdTe:In нинг қисқа туташув токи эса соф CdTe никидан икки тартибда ортиб кетди ва $I_{к.з.} \approx 10^{-8}$ А қийматгача етиб борди. Қиздирилган CdTe:In пленкаларнинг электрофизик ва АФВ хоссалари сезиларли даражада турғунлашди.

Сезиларли АФВ хусусиятга эга бўлган кескин чегарали n-CdS/p-CdTe гетероўтишни илгари маълум бўлган термовакуум буғлатиш усуллари ёрдамида олиш яроқсиз бўлиб чиқди. Бундай усуллар билан фотоўтказувчан CdS қатлами устида ўстирилган CdTe қатлам аксарият ҳолларда сезиларли АФВ хоссага эга бўлмади. Шу нарса маълум бўлдики, АФВ хоссали n-CdS/p-CdTe гетеросистема тайёрлаш учун қатламларнинг нисбий қаршиликлари, кристалл донларнинг ўсиш йўналишлари ва қалинликлари ҳал қилувчи омиллардир. Узоқ изланишлардан сўнг қуйидаги оптимал технологик шарт-шароитлар танлаб олинди.

1-расмда схематик тасвирланган гетероструктура шаффоф шиша таглик устига қолдиқ газлар босими $10^{-4}-10^{-5}$ Торр бўлган вакуумда “яримўтказгичлар учун” маркали кукунсимон CdS ва CdTe материалларни ягона технологик цикл жараёнида ўзига хос кетма-кет буғлатиш усули билан шакллантирилди.

Дастлаб 573 – 723 K температурали таглик сиртига $\alpha = 60-80^\circ$ бурчак остида махсус маска ёрдамида 20×5 мм² юзачали ва 0,2-0,4 мкм қалинликдаги CdS қатлами ўтқазилди. Сўнгра унинг сезгирлигини ошириш учун вакуумда $T = 773-823$ K




1-расм. Шаффоф шиша (1) тагликдаги пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктуранинг схематик кўриниши: 2-CdS фото-резистор, 3-CdTe фотовольтаик қатлам, 4-ток олинадиган омик контактлар.

температура интервалида 10-15 мин давомида қиздириш жараёни олиб борилди. Электрон ўтказувчанликдаги CdS пленканинг қоронғуликдаги қаршилиги $R \approx 10^{12}$ Ом, ёруғлик таъсирида ўзгариш даражаси эса $K = R_{\kappa} / R_{\epsilon} \approx 10^2 - 10^3$ нисб. бирл. гача етиб борди.

Структурани ўстиришнинг иккинчи босқичида эришилган вакуумни бузмасдан фоторезистив CdS пленка сиртига яна маска орқали бевосита *p*-CdTe қатлам (3) $d_{nl} = 0,5 - 0,8$ мкм қалинликда, $v_{\kappa} \approx 1,5 - 2,0$ Å/с тезликда, $\alpha = 130 - 150^\circ$ бурчак остида ва тагликнинг $T_n = 423 - 573$ K температурасида ўтказилди. Шу сабабли юпқа сэндвич қатламлар олишнинг биз таклиф этган оптимал технологик шартларига биноан CdS ва CdTe молекуляр дасталарнинг йўналишлари $\Delta\alpha \approx 70 - 90^\circ$ бурчакка фарқ қилган.

Баён қилинган технологик усул бўйича тайёрланган фотоприемник тўлқин узунлиги $600 \leq \lambda \leq 800$ нм интервалда ва интенсивлиги $L \approx 10^5$ лк бўлган ёруғлик билан фронтал ёритилганда хона температурасида $V_{AFH} \approx 200$ В гача фотокучланиш генерация қилди. Яна энг муҳими шундаки, гетероструктура $\lambda < 500$ спектрал соҳада атиги $L_{nc} \approx 1$ лк билан орқадан (яъни таглик томондан) кўшимча ёритилганда V_{AFK} сезиларли камаяди, $L_{nc} \approx 10^5$ лк да эса деярли йўқолиб кетади.

Электрон-микроскопик тадқиқот натижалари пленкани қиздириш кристаллитлар ўлчамларининг ўзгаришига олиб келишини кўрсатди. 2-расмдаги *n*-CdS/*p*-CdTe гетероструктуранинг кўндаланг қирқим электрон микрофотографиясидан кўринадики, термик ишловдан сўнг донларнинг ўлчамлари бошқа донлар ҳисобига катталашиши, чегараларнинг текисланиши ва чок бурчакларининг мувизонатга томон силликланиши



2-расм. Пленкали *n*-CdS/*p*-CdTe гетероструктура кўндаланг қирқимининг электрон микрофотографияси. а- $T_n = 250^\circ C$; б- $T_n = 350^\circ C$. 1- шиша таглик; 2- CdS қатлам; 3- CdTe қатлам, 4- унинг сирти.

кузатилади. $T_n = 523$ K да олинган пленкада дон ўлчамининг ўртача қиймати 1200 нм тартибида, $T_n = 623$ K даги пленка учун-1600 нм. Бу пленкаларда айрим донларнинг ўлчамлари 1,5-2 мкм ни ташкил этади. Пленка кўндаланг тузилишидан кўринадики, устунсимон структура қалинлик бўйлаб тўлик ёйилган. Бироқ таъкидлаш жоизки, фрактограмма бўйича визуал кузатишда кўндаланг тузилиш монолит кўринсада, ҳақиқатда эса рентгеноструктуравий таҳлил натижаларига кўра рентген нурларининг когерент сочилиш соҳаларини ўртача қийматлари анча кичик.

«Фотовольтаик n-CdS/p-CdTe пленкали структуралар электрофизик ва фотоэлектрик хоссаларини тадқиқ этиш» деб номланган учинчи бобда тайёрланган кўндаланг фотоўтказувчанликли CdTe:In ва n-CdS/p-CdTe пленкали структуралар электрофизик ва фотоэлектрик хусусиятларини ўрганиш бўйича эксперимент натижалари келтирилган. Олинган структураларнинг қоронғулик ва ёритилган пайтдаги ВАХ, ЛАХ ва ЛВХ ларидаги баъзи ўзига хосликлари пленкаларда кучли шаклланган потенциал тўсиқлар ва нуқтавий хусусий нуқсонлар билан алоқадорлиги ўрнатилган. n-CdS/p-CdTe гетеросистемадаги p-CdTe қатламнинг ёруғликдаги ВАХ n-CdS қатламни частотаси $h\nu \geq 2,52$ эВ ва интенсивлиги $L_{\text{пс}} < 100$ лк бўлган ёруғлик билан қўшимча ёритилганда учта характерли соҳалардан ташкил топиши аниқланди. Бунда қўшимча ёритиш интенсивлиги ортиши билан ночизикли ўтиш соҳаси торайиб, 1000 лк дан юқори қийматларда иккинчи чизикли соҳа билан биргаликда йўқолиб кетади. Қўшимча ёритиш n-CdS/p-CdTe гетероструктурадаги p-CdTe қатламнинг ЛАХ ва ЛВХ ларига ҳам кучли таъсир қилади.

Текширилган CdTe, CdTe:In пленкалар ва n-CdS/p-CdTe гетероструктуранинг §2.2 да баён қилинган маълум усуллар бўйича ўлчанган асосий электрофизик параметрларининг қийматларини таққослаш 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

CdTe, CdTe:In, p-CdTe пленкаларнинг электрофизик параметрлари.


№	Пленкаларнинг электрофизик параметрлари	соф CdTe	легиранган CdTe:In		n-CdS/p-CdTe даги p-CdTe
			қиздиришсиз	Қиздиришдан сўнг	
1.	Қоронғуликдаги қаршилик - $R_{\kappa}, \text{ Ом}$	$(1.0 \pm 0.05)10^{13}$	$(2.0 \pm 0.05)10^{11}$	$(5.0 \pm 0.05)10^{11}$	$(1.0 \pm 0.05)10^{12}$
2.	Ёруғликдаги қаршилик - $R_{\beta}, \text{ Ом}$	$(2.0 \pm 0.05)10^{12}$	$(3.0 \pm 0.05)10^9$	$(2.0 \pm 0.05)10^{11}$	$(2.0 \pm 0.05)10^{11}$
3.	Қисқа туташув фототок кучи - $I_{\kappa\tau}, \text{ А}$	$(1.0 \pm 0.03)10^{-10}$	$(2.0 \pm 0.03)10^{-8}$	$(1.0 \pm 0.03)10^{-8}$	$(1.0 \pm 0.03)10^{-9}$
4.	Фото кучланишнинг максимал қиймати - $V_{\text{АФН}}, \text{ В}$	$(4.0 \pm 0.5)10^2$	$(0.6 \pm 0.1) 10^2$	$(2.0 \pm 0.1)10^3$	$(2.0 \pm 0.5)10^2$

3-расмда назорат намунаси p-CdTe (0, 0' чизиклар) ва текширилаётган n-CdS/p-CdTe гетеросистемадаги p-CdTe (1-4) қатламларнинг хона температурасида олинган қоронғуликдаги (0 ва 1) ҳамда ёритилгандаги (0'; 2-4) типик экспериментал ВАХ лари келтирилган. Илгари маълум технология бўйича шиша тагликда ўстирилган p-CdTe монокатлам $L \approx 10^5$ лк интенсивликдаги табиий ёруғлик билан ёритилганда $V_{\text{АФК}} \approx (0.4-0.6) \cdot 10^3 \text{ В}$, n-CdS/p-CdTe гетеросистемадаги p-CdTe қатлам эса айнан шундай шароитда

$V_{АФК} \approx 50-200$ В фотокучланиш генерация қилди. Расмдан кўринадик, бевосита шиша тагликдаги (0, 0') ва қўшимча ёритилмаган CdS фоторезистордаги (1, 2) АФВ р-CdTe қатламларнинг ВАХ лари чизиқли характерга эга. Бунда р-CdTe моноқатламнинг қоронғуликдаги ва $L=10^3$ лк ёруғликдаги қаршиликлари ($1.0 \cdot 10^{13}$ Ом ва $2.0 \cdot 10^{12}$ Ом) n-CdS/p-CdTe биқатламнинг ана шундай қаршиликлари ($1.0 \cdot 10^{12}$ Ом и $2.0 \cdot 10^{11}$ Ом)дан деярли бир тартибда ортиқ эканлигини қайд этишимиз зарур (1-жадвалга қаранг). Қўшимча ёритишсиз АФВ қатламдан электр токи асосан туннель механизми бўйича ўтади, чунки қисқа туташув токи $I_{кз} = V_{АФК} / R_{нл}$ кўзғатувчи ёруғлик интенсивлигининг берилган қийматида температурага боғлиқ эмас, айна пайтда фотокучланиш эса $V_{АФК} \sim R_{нл} \sim f(T)$.

n-CdS/p-CdTe гетеросистемадаги р-CdTe АФВ қатламнинг ВАХи n-CdS қатлам частотаси $h\nu \geq 2,52$ эВ ва интенсивлиги $L_{nc} \approx 30$ лк бўлган ёруғлик билан қўшимча ёритилганда учта характерли соҳадан иборат: квазичизиқли *ab* ($R \approx 5 \cdot 10^9$ Ом) ва *cd* ($1,8 \cdot 10^{10}$ Ом), ночизиқли ($3,2 \cdot 10^9$ Ом) *bc* (3-расмда 3-чизиқ). Бунда қўшимча ёритиш интенсивлиги ортиши билан ночизиқли *bc* ўтиш соҳаси торайиб, 10^3 лк дан юқори қийматларда иккинчи чизиқли *cd* соҳа билан биргаликда йўқолиб кетади, n-CdS қатлам фотовольтаик р-CdTe қатламини тўлиқ шунтлайди ва системанинг ВАХ тўлиқ n-CdS қатлам фототоки билан аниқланади. Ночизиқли *bc* ва чизиқли *ab, cd* (оғиш бурчаги турлича) ВАХ соҳаларининг вужудга келиш сабаби қўшимча ёритиш ва ташқи кучланиш таъсирида система орқали ток ўтиш жараёнидаги n-CdS/p-CdTe гетероўтишнинг қўшган ҳиссасининг ўзгаришидир.

Поликристалл n-CdS/p-CdTe гетеросистеманинг эквивалент чизиқли электр схемасини кўндаланг фотоўтказувчанлик режимида қуйидагича тасаввур қиламиз. Микро-фотовольтаик ва фоторезистив элементлар гетероўтиш кўприкчалар билан биргаликда элементар берк электр занжирини



3-расм. Шиша тагликдаги (0, 0') ва олдиндан шиша тагликка ўтқазилган CdS поликристалл фоторезистордаги (1-4) АФВ р-CdTe қатламларнинг ВАХ лари. 0 ва 1 чизиқлар қоронғида, 0' ва 2-4 чизиқлар $L=3 \cdot 10^3$ лк ёритилганда, 3 ва 4 чизиқлар эса CdS ни мос ҳолда $L_{nc}=30$ лк ва $5 \cdot 10^2$ лк қўшимча ёритиш остида олинган. $T=300$ К.

ташкил этади. Даврий кетма-кет уланган бундай занжирчалар текширилаётган гетеросистеманинг чизикли эквивалент схемасини ташкил этади. Қўпол равишда бундай системадан ўтаётган ток кучи иккита ташкил этувчилар йиғиндисидан иборат деб ҳисоблаш мумкин:

$$I = I_{\text{ФВК}} + I_{\text{ФР}} = \frac{V_{\text{max}} \pm V_{\text{АФК}}}{N} \left(\frac{1}{R_{\text{ФВК}}} + \frac{1}{R_{\text{ГП}} + R_{\text{ФР}}} \right), \quad (1)$$

Бу ерда $V_{\text{вн}}$ – ташқи қўйилган кучланиш, N – АФВ қатламнинг ток ўтиш йўналиши бўйлаб жойлашган кристалл донлар сони, $R_{\text{ФВК}}$, $R_{\text{ФР}}$ и, $R_{\text{ГП}}$ – фотовольтаик p-CdTe қатлам, фоторезистор ва гетероўтишларнинг элементар қаршиликлари. Ҳақиқатдан, n-CdS қатлам қўшимча ёритилмаган $R_{\text{ГП}} + R_{\text{ФР}} \gg R_{\text{ФВК}}$ ҳолда (1) га мос равишда ВАХ тўлиғича p-CdTe қатламнинг фотоўтказувчанлиги билан аниқланади (3–расмдаги 2–чизик). Қўшимча ёруғлик қўйилган $R_{\text{ГП}} + R_{\text{ФР}} \ll R_{\text{ФВК}}$ шароитда ВАХ да фоторезистор ҳиссаси ҳукмронлик қилади. Интенсивлик L_{nc} ортиши билан n-CdS қатламнинг фотоўтказувчанлиги ҳисобига қисқа туташув ток кучи, демак, $V_{\text{АФК}}$ камаяди, *ав* соҳанинг оғиш бурчаги, яъни структуранинг электр ўтказувчанлиги ортади.

Маълумки, массив n-CdS/p-CdTe гетероўтиш ВАХида худди 3–расмдаги 3–чизик каби ночизикли қоронғулик токи намоён бўлади, ток ўтиш механизми эса туннель–рекомбинацион табиатга эга. Шунга асосан берилган L_{nc} қийматида дастлаб V_{max} ортиши билан гетероўтиш орқали ток экспоненциал қонуниятга кўра ўсади, бироқ у тезда фотоқаршилик $R_{\text{ФР}} \geq R_{\text{ГП}}$ билан чегараланади деб ҳисоблашимиз мумкин. Шу сабабдан, 3–чизик ВАХ нинг дастлабки *ab* соҳаси n-CdS қатлам фотоўтказувчанлиги билан боғлиқ. Бундан кейинги V_{max} ни ортишида n-CdS/p-CdTe гетероўтишдаги туннель–рекомбинацион жараён чегараланади ва токнинг ўсиши тўйинишга учрайди ($R_{\text{ГП}} \geq R_{\text{ФР}}$). Бу эса АФВ p-CdTe қатламини шунтланишининг пасайишига ва $V_{\text{АФК}}$ ни ўсишига олиб келади, ўз навбатида ток кучининг ночизикли ўсишини юзага чиқаради (3–расмда *bc* соҳа). Аммо 3 ВАХ нинг кейинги йўли $R_{\text{ГП}} + R_{\text{ФР}} \leq R_{\text{ФВК}}$ ҳолатда ((1) формулага қаранг) гетероўтиш орқали токнинг чегараланиш шароитида ўтади (*cd* соҳа). ВАХдаги *b* бурилиш нуқтаси $V_{\text{таш}} + V_{\text{АФК}} \approx 200 \text{ В}$ қиймат билан аниқланади, яққаланган гетероўтишда эса ана шундай нуқтага $V_{\text{max}} \approx 0,05 \text{ В}$ мос келади. Агар n-CdS/p-CdTe структура орқали ток оқишининг бундай шароитида 200 В кучланиш тушуви кетма–кет уланган $R_{\text{ГП}} + R_{\text{ФР}}$ элементар қаршиликларда рўй беради деб ҳисобласак, у ҳолда пленка бўйича уларнинг умумий сонини осонгина аниқлаймиз: $N = 200 : 0,05 = 4 \cdot 10^3$. Пленка узунлиги $l = 10 \text{ мм}$ ни эътиборга олиб, кристалл донларнинг ўртача чизикли ўлчами $d_{\text{кд}} \approx 2,5 \text{ мкм}$ эканлигини топамиз. Бу эса пленкани рентгеноструктуравий таҳлил ва сирт электрон микрофотография натижалари билан бир хил тартибдаги катталиқдир.


Ниҳоят, шуни таъкидлаш жоизки, қўшимча ёритиш интенсивлигининг етарлича катта $L_{\text{nc}} \geq 10^3 \text{ лк}$ қийматларида n-CdS/p-CdTe гетероўтишнинг ҳажмий зарядлар соҳасида ва n-CdS ҳажмида фототашувчиларнинг нисбатан юқори даражадаги генерацияси юзага келади. Бундай шароитда

текширилаётган системада ток асосан p-CdTe қатламни тўлиқ шунтловчи гетероўтиш билан n-CdS қатлам орқали ўтади ва чизикли ВАХ (3–расмдаги 4– чизик) n-CdS нинг фотоэлектрик хоссалари билан аниқланади.

4–расмда келтирилган шиша тагликдаги (1–чизик) ва фоторезистив CdS тагликдаги (2–4) АФВ CdTe қатламларнинг типик люкс-вольт характеристикалари (ЛВХ) сифат жиҳатдан мос тушади. Бу эса ушбу қатламларда АФК ни шаклланиш механизмлари фарқланмаслигини англатади. Бироқ n-CdS ни кўшимча ёритиш n-CdS/p-CdTe структура ЛВХ чизикларини миқдоран кучли деформациялайди. Расмдан кўринадики, кўзгатувчи ёруғлик L интенсивлигининг кичик қийматларида $V_{\text{АФК}}$ катталиқ L га нозикли боғлиқ, сўнгра $L \sim 10^4$ лк лардан бошлаб чизикли соҳага чиқади. Кўшимча ёритиш $L_{\text{пс}}$ ортиши билан нозикли соҳа торайишга учрайди, $V_{\text{АФК}}$ нинг қиймати L нинг бутун интервали бўйича пропорционал камаяди, демак, $V_{\text{АФК}}(L)$ чизик сифат жиҳатдан ўзгармайди (2-4 чизикларга қаранг). Охирги фикр, биринчидан, CdS фоторезисторни кўшимча ёритиш аномал фотокучланишни генерацияловчи потенциал тўсиқлар асимметриясига таъсир қилмаслигини, иккинчидан, $V_{\text{АФК}}$ шунтловчи қатлам $R_{\text{ш}}(L_{\text{пс}})$ қаршилигига чизикли боғланишда эканлигини билдиради.

Шуни таъкидлаш қизиқки, CdS ни қизил филтёр орқали кўшимча ёритиш ЛВХ нинг бошланғич соҳасида $V_{\text{АФК}}(L)$ боғланишни сифат жиҳатдан ўзгартиради (4–расмдаги 5-чизик) : $L=0$ да $V_{\text{АФК}}$ нинг қиймати нолга тенг эмас. Бу кўшимча ёруғлик шиша таглик ва n-CdS орқали ўтиши, шунингдек фронтал ёритишдаги $V_{\text{АФК}}$ билан кутбланиши бир хил “аралашмавий” фотокучланиш генерациясини юзага чиқариши билан изоҳланади.


4–расмга тиркамада $V_{\text{АФК}}$ нинг кўшимча ёритиш $L_{\text{пс}}$ интенсивлигига боғланиши нисбий бирликларда берилган. Кўринадики, $V_{\text{АФК}}$ $L_{\text{пс}} \approx 10^2$ лк қийматларданок кучли пасая бошлайди. Бу фотоўтказувчанлик ҳисобига гетероўтиш ва n-CdS қатлам қаршиликларининг камайиши билан боғлиқ. Табиийки, АФК ни кўшимча ёритиш билан емирилиш чизиги p-CdTe қатламда уни кўзгатувчи ёруғлик L интенсивлигига боғлиқ.



4-расм. CdTe пленка (1) ва n-CdS/p-CdTe гетероструктура (2- $L_{\text{пс}}=0$; 3- $L_{\text{пс}}=1$ лк; 4- $L_{\text{пс}}=10$ лк) нинг люкс-вольт характеристикалари. 5- n-CdS қизил свето-филтёр орқали кўшимча ёритилган: $L_{\text{пс}}=10^2$ лк. Расмга тиркамада $V_{\text{АФК}}(L_{\text{пс}})$ боғланиш. $T=300$ К.

5-расмда хона температурасида ташқи кучланишнинг айни бир $V_{\text{ен}}=100 \text{ В}$ қийматида олинган назорат учун намуна (0 чизик) ва n-CdS/p-CdTe гетероструктурадаги (1-3) фотовольтаик p-CdTe қатламларнинг иккиланма логарифмик масштабдаги люксампер характеристикалари (ЛАХ)

кўрсатилган. Агар ЛАХ ни $I_{\text{ф}} \sim L^n$ кўринишда ифодаласак бу ерда L - лк ёки $\text{фот}/\text{см}^2 \cdot \text{с}$ бирликлардаги ёруғлик интинсивлиги, n - ЛАХ кўрсаткичи, у ҳолда 0 чизикдан кўринадики, назорат АФВ пленкасининг ЛАХи 4 та характерли соҳадан иборат: I соҳада ($L \leq 2 \cdot 10^2$ лк) ЛАХ кўрсаткичи $|n| < 1$ бўлган манфий дифференциал фотоўтказувчанлик (МДФЎ) мавжуд; II-юқори чизикли соҳа ($2 \cdot 10^2 < L < 10^3$ лк) $n > 1$ бўлган юқори сезгирлик соҳасидир; $L > 10^3$ лк да ЛАХ дастлаб $n \approx 0.35$ бўлган субчизикли III соҳага, сўнгра $n \approx 1.0$ чизикли боғланишли IV соҳага ўтади. Бундай $I_{\text{ф}} \approx f(L)$ боғланиш икки ва ундан ортик чуқур сатҳли рекомбинация марказларига эга яримўтказгич пленкаларда илгари кузатилган.



5-расм. n-CdS/p-CdTe гетероструктурадаги p-CdTe ЛАХ си: 1- CdS кўшимча ёритишсиз; CdS ни кўшимча ёритишда: 2 - $L=500$ лк; 3- $L=3 \cdot 10^3$ лк. 0- CdTe назорат намунаси.

Фоторезистор CdS ёритилмагандаги n-CdS/p-CdTe гетеросистеманинг ЛАХ си умумий тарзда оддий фотовольтаик CdTe пленканинг 4 босқичли ЛАХ структурасини сақлайди (5-расмдаги 1 чизик). Бу эса шиша ва n- CdS тагликлардаги p-CdTe қатламларнинг фотоэлектрик хоссалари бир-бирига яқинлигини тасдиқлайди, бироқ I соҳадаги МДФЎ йўқолади ва у $n \approx 0.2$ бўлган паст сезгирликли соҳа билан алмашади. ЛАХ нинг юқори сезгирликли II соҳаси деярлик ўзгармайди, III соҳа эса тораяди ва ҳатто янги МДФЎ юзага келади, $n \approx 1.0$ чизикли IV соҳа бу ерда $L=2 \cdot 10^3$ лк қийматдан бошланади.


Шундай қилиб, n-CdS/p-CdTe гетеросистемадаги юпқа поликристалл фотоўтказувчан n-CdS пленка АФВ CdTe қатлам ЛАХ га $L < 2 \cdot 10^2$ лк ва $10^3 < L < 2 \cdot 10^3$ лк соҳаларда кучли таъсир кўрсатади. Шиша таглик томондан n-CdS ни $L=10^2$ лк билан кўшимча ёритилган ҳолда фотосезгирлик сезиларли ортади ва III соҳада МДФЎ йўқолади (5-расмдаги 2 чизик). Бу ердан n-CdTe / p-CdS гетеросистеманинг ЛАХсидаги МДФЎ соҳаси ВАХ даги нозичикли соҳа (3-расмдаги 3 чизик) каби CdTe даги чуқур сатҳли нуқтавий хусусий нуқсонлар билан бир қаторда системанинг гетероўтиш чегарасининг таъсири билан аниқланади, деган хулосага келиш мумкин. CdS ни кучли $L_{\text{пс}}=10^3$ лк

кўшимча ёритилганда n-CdS/p-CdTe системанинг ЛАХ си юқори сезгирликли икки субчизикли соҳалардан ташкил топади (5-расмдаги 3 чизик).

Диссертациянинг "Пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктурадаги CdTe қатламнинг оптик спектрларини тадқиқ этиш" номли тўртинчи бобида фотовольтаик CdTe қатламнинг ўтказиш, фотоўтказувчанлик, қисқа туташув токи ва паст температурали люминесценция спектрларини экспериментал тадқиқот натижалари баён қилинган. Пленкали n-CdS/p-CdTe гетероструктурадаги майда донли ($h, d_{cr} \leq 1 \text{ мкм}$) поликристалл p-CdTe қатламнинг фронтал равишда (CdTe эркин сирти томондан) оқим қуввати $\sim 4,8 \text{ мВт/мм}^2$ Ag^+ -лазер билан қўзғатилгандаги паст (4,2 К) температурали чегаравий фотолюминесценция спектри қизил чегараси E_g га нисбатан қисқа тўлқинлар соҳасига $\Delta E_r \approx 30 \text{ мэВ}$ силжиган ва ярим кенглиги $\Delta_A = 6-8 \text{ мэВ}$ интенсивлиги энг катта хусусий ($e-h$) нурланиш полосаси, унинг $LO+nLA$ -фонон қайтарилиши ($\Delta_B \approx 40 \text{ мэВ}$) ва $\hbar\omega \approx 1.50 \text{ эВ}$ частота яқинидаги кенг ($\Delta_D \approx 100 \text{ мэВ}$) сирт-интерфейс полосасидан ташкил топиши кўрсатилган. Фоторезистив CdS қатламини хусусий ютилиш соҳасида $L_{pc} \approx 5 \cdot 10^2$ лк интенсивликда орқадан кўшимча ёритиш $e-h$ ва у билан боғлиқ B -, D -люминесценция полосаларини тўлиқ йўқотади. Уларнинг ўрнига бўйлама экситон частотаси $\hbar\omega \approx 1.59 \text{ эВ}$ ва ярим кенглиги ($\Delta_{ex} \approx 25 \text{ мэВ}$) бўлган поляритон нурланишининг асимметрик дублет чизиғи ҳамда максимум частотаси $\hbar\omega \approx 1.535 \text{ эВ}$

донор-акцептор жуфтларнинг кенг ($\Delta_{DAS} \approx 40 \text{ мэВ}$) чизиғи ялт этиб пайдо бўлади. Бу чизикларнинг максимал интенсивлиги А-чизикниқига қараганда икки тартибда кичикдир.

6-расмда n-CdS/p-CdTe гетероструктурада p-CdTe қатлам (1 чизик) ва CdTe моноқатлам (2) лар фотокучланиши $V_{\text{АФК}}$ нинг спектрал боғланиши, шунингдек CdS пленка кўндаланг солиштирма фотоўтказувчанлик $\sigma_{\text{ф}}$ спектри (3) 1 га нормаланган ҳолда келтирилган ($T=300 \text{ К}$). Бунда 1 чизикнинг узун ва қисқа тўлқинли соҳалари ўзига диққатни тортади. n-CdS/



6-расм. n-CdS/p-CdTe гетероструктурадаги p-CdTe қатлам (1), CdTe моноқатлам (2) $V_{\text{АФН}}$ фотокучланишининг ва n-CdS пленка солиштирма фотоўтказувчанлигининг (3) 1 га нормаланган спектрлари. T-300 К.

p-CdTe гетероструктурада $V_{\text{АФК}}$ нинг қисқа тўлқин томондан анча сезиларли камайиши шунтловчи CdS қатламнинг фотоўтказувчанлигини пайдо бўлиши билан тушунтирилади. Таъкидлаймизки, таглик томондан интенсивлиги $\sim 10^3$ лк табиий ёруғлик билан кўшимча ёритиш p-CdTe қатлам генерациялаган АФК ни тўлиқ йўқотди. $V_{\text{АФК}}$ хусусий чегарасининг катта частоталар соҳасига силжиши ва Урбах думсимон спектрини пайдо бўлиши CdS билан CdTe сирт олди соҳасида варизон структурани ва ҳолатлар зичлигининг думсимон қисмини шаклланишидан далолат беради. Спектрнинг ушбу соҳасини батафсил ўрганиш $V_{\text{АФК}}$ ни пленка чуқурлиги бўйича тақсимланиши хақида маълумот олишга имкон яратади.

Ишда монокристаллар ва йирик донли поликристаллардан фарқли равишда n-CdS/p-CdTe гетероструктурада p-CdTe қатламда экситонлар ва донор-акцептор жуфтларнинг нурланиши учрамаслиги кўрсатилган. Бу ҳолнинг сабаблари қуйидагилар билан изоҳланади. Биринчидан, кристалл донларнинг ўлчамлари Дебай экранлашиш узунлиги $\ell_{Di} = (2\epsilon\epsilon_0\phi_i/e^2|N_D - N_A|)^{1/2}$ (яъни $d \approx \ell_{Di}$, бу ерда ϵ , ϵ_0 – диэлектрик киритувчанлик ва электр доимийси, e – электрон заряди, N_D ва N_A – донор ва акцепторлар концентрацияси, ϕ_i – донлар чегарасидаги сирт потенциал тўсиқ баландлиги) тартибидаги катталик ва дон квазинейтрал ҳажмининг фотолюминесценция шаклланишидаги роли сезиларли эмас. Иккинчидан, кристалл донларнинг сирт олди потенциал тўсиқлари ҳосил қилган ҳажмий зарядлар соҳасидаги ички жойлашган электростатик майдонлар фотогенерацияланаётган электрон-тешик жуфтларини фазовий ажратадилар, бунинг натижасида сирт олди элементар фотокучланишлари, шунингдек улар билан боғлиқ иссиқ фототашувчилар хусусий (яъни зоналараро $e-h$ рекомбинация) люминесценциясининг генерацияси вужудга келади. Бунда

$$\tau_r \leq \tau_0, \tau_M \quad (2)$$

шарт бажарилади, τ_r , τ_0 , τ_M – нурланишли, нурланишсиз ва максвелл яшаш вақтлари.

Мувозонатсиз электроннинг тўлиқ яшаш вақти

$$\frac{1}{\tau} = \frac{1}{\tau_r} + \frac{1}{\tau_0}, \quad \frac{1}{\tau_0} = \frac{1}{\tau_{ex}} + \frac{1}{\tau_{DA}} + \frac{1}{\tau_M} + \frac{1}{\tau_p} + \dots \quad (3)$$

ифодалар билан аниқланади, бу ерда τ_{ex} , τ_{DA} – электроннинг берилган энергетик ҳолатдан экситон ёки донор-акцептор жуфт ҳосил қилиб кетиш вақтлари, τ_p – импульс бўйича релаксация вақти ва ҳ.к. У ҳолда табиийки,

$$\tau_r \ll \tau_{ex}, \tau_{DA} \quad (4)$$

шарт бажарилганда фотолюминесценция спектрида биринчи яқинлашишда экситон ва донор-акцептор жуфт нурланиш каналлари мавжуд бўлмайди, улар $e-h$ люминесценция ва унинг йўлдошларининг кучли фонида экспериментал кузатилмай қолаверади. Айнан шу ҳолат шиша ва CdS фоторезистор тагликлардаги майда донли CdTe қатлам люминесценциясида рўёбга чиқади (7- расм, а ва б). Расмдаги а ва б чизиклардан кўринадики, n-CdS/p-CdTe

